



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ НАЗОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Сунбула Чутбайева Рустамовна

Банк-молия академияси магистранти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10638127>

ARTICLE INFO

Received: 31th January 2024

Accepted: 08th February 2024

Online: 09th February 2024

KEY WORDS

Бюджет, бюджет ташкилотлари, пул маблағлари, назорат, давлат бюджети, бюджет тизими, молиялаштириш, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, маҳаллий бюджет, солиқ-бюджет сиёсати.

ABSTRACT

Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ривожлантиришнинг афзалликлари ва таҳлили ҳамда истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек, мамлакатимизда бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ривожлантириш истиқболларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтириб ўтилган.

Кириш. Мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштириш ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда бюджет тизимининг барча бўғинларидаги бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этишни бошқариш механизмини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Шунингдек, иқтисодиётда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат молияси тизимини ислоҳ этиш, уни мазмун ва сифат жиҳатдан замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Бундай шароитида бюджет ва бюджет даромадларини шакллантириш масалалари муҳим ҳисобланади. Мамлакат ва ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолининг яшаш шароити ва уларга кўрсатилаётган ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳудудлардаги маҳаллий бошқарув органларининг иқтисодий масалаларга ечим топа олишидаги муаммоларни ҳал этиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Биринчидан, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт харажатларини ўз вақтида ҳамда зарур миқдорда молиялаштириш учун етарли даромадларни таъминлаш, иккинчидан, аҳолининг биринчи даражадаги эҳтиёжларини қаноатлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларни ривожлантириш, учинчидан, тадбиркорлик



фаолиятини рағбатлантириш, ҳудудлар инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида қулай шарт-шароитларни яратишдаги муаммолар шулар жумласидандир.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили. Бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этишнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, турли манбаларда бюджет ташкилотлари ҳамда пул маблағлари тушунчаларига турли хил таърифлар келтирилган. Хусусан, Ж.Н.Шатураев ва Ҳ.С.Жумаевларнинг қарашларича «бюджет қонунчилигини бузганлик учун санкцияларнинг ягоналиги, мамлакат бюджет тизими барча даражалари бюджетлари харажатларини молиялаштириш ва бюджет маблағлари бухгалтерия ҳисобини юргизиш тартибининг ягоналиги билан белгиланади».¹

Р.Х.Карлибаевнинг фикрича «бюджет тизимидаги ошкоралик принципи очиқ матбуотда тасдиқланган бюджет ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, албатта, эълон қилинишини, бюджет ижроси жараёнида маълумотларнинг тўлиқ ва тўғри берилишини, давлат ҳокимияти қонунчилик органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларига оид бошқа маълумотларни олиш имкониятининг яратилганлигини, бюджет лойиҳаси бўйича қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартибларининг (жумладан, давлат ҳокимияти қонунчи-лик органи ичида ёки давлат ҳокимиятининг қонунчилик ва ижроия органлари ўртасидаги қарамақаршиликларни ифодаловчи масалалар бўйича ҳам) жамият ва оммавий ахборот воситалари учун албатта, очиқ бўлишини кўзда тутати»² дея таъкидлаб ўтган.

«Бюджет маълум бир субъектнинг молиявий ҳолатини, пул маблағларининг тўпланишини, даромад ва харажатларнинг мувофиқлигини, маблағларнинг ортиқча ёки камлигини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, бюджет пул даромадлари ва харажатлари баланси ёки давлат ва маҳаллий ҳукуматнинг вазифа ва функцияларини таъминлашни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлар фондини шакллантириш ва сарфлаш шаклидир»³.

Иқтисодий категория сифатида «бюджет» - бу давлат органларининг мамлакат аҳолисига давлат хизматларини кўрсатиш функцияларини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва сарфлаш бўйича давлат ва иқтисодиётнинг бошқа субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатлар тизими ҳисобланади. «Давлат бюджети кишилик жамияти тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлган бўлиб, унинг вужудга келиши, энг аввало, сиёсий ташкилот сифатида давлатнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқдир. Ҳар бир давр ижтимоий тузумига тегишли бўлган ишлаб чиқариш муносабатларининг асосий белгилари давлат фаолиятининг ва бюджетнинг тақсимлаш механизми сифатидаги мазмунини белгилаб беради»⁴.

¹ Shaturaev, J. N., & Jumaev, H. S. (2019). Small Business, Innovation and Entrepreneurship. International Journal of Advanced Research, 7(11), 303–307. <https://doi.org/10.21474/ijar01/10008>

² R.Karlibaeva. (2021). THEORY OF FINANCE AND FINANCING STRATEGIES. International Journal of Advanced Research. <https://doi.org/10.21474/ijar01/12480>

³ Пивень Е.В., Бедрачук И.А. «Государственное и муниципальное управление». Учеб. пособие/ Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2008. стр -58.

⁴ Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма.-Т.: «ИQTISOD-MOLIYA», 2007.84-бет.



Т.Блументритт бюджетлаштиришни “ташкilotнинг молиявий ресурсларини унинг бўлинмалари, фаолияти ва инвестицияларига тақсимлаш жараёни”⁵ деб таърифлайди, С.Т.Хорнгрен ва бошқалар бюджетни маълум бир давр учун раҳбарият томонидан тақлиф қилинган ҳаракатлар режасининг миқдорий ифодаси ва ушбу режани амалга ошириш учун нима қилиш кераклигини мувофиқлаштириш учун ёрдам сифатида кўради⁶.

Давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот бюджет ташкилотидир. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш шартлари ва уларнинг бюджет ҳисобини юритиш тартиби бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади⁷.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлиги принципининг маъномазмуни шундан иборатки, унга мувофиқ равишда ваколатли органлар ва бюджет маблағларини олувчилар бюджетларни тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашда, аввало, кўзда тутилган мақсадларга эришишда маблағларнинг камроқ ҳажмидан ёки маълум бир ҳажмдаги маблағлардан фойдаланган ҳолда юқори натижага эришиш зарурлигидан келиб чиқиши керак⁸.

Юқоридаги келтирилган фикрларга асосланган ҳолда, бизнингча, мамлакат иқтисодиётида бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши ва уларнинг пул маблағларини назорат қилиш, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинишида муҳим аҳамият каб этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этишни ривожлантириш усулларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб, тегишли хулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар. Фикримизча, бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этиш молиявий барқарорлик ва давлат тизимининг самарали ишлашини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга. Бюджет ташкилотларида маблағларнинг сарфланиши устидан назоратни ташкил этишнинг иқтисодий аҳамияти давлат маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлашдан иборат. Харажатларни назорат қилиш бюджет маблағларидан нотўғри фойдаланиш ёки самарасиз фойдаланишнинг олдини олишга, молиявий бошқарувни яхшилашга ва давлат молиясини бошқаришда шаффофик ва жавобгарликни оширишга ёрдам

⁵ Blumentritt T., Integrating strategic management and budgeting, Journal of Business Strategy, 27 (6) (2006), pp. 73–79.

⁶ Horngren, C.T., Stratton, G.L., Sutton, W.O., Teall, H.D., “Management Accounting”, 4th ed. Prentice Hall, Toronto, 2004.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси

⁸ В.М. Гальперин, С.М. Игнатъев, В. И. М. (2007). “МИКРОЭКОНОМИКА.” Book, 426. [https://gain.fas.usda.gov/Recent GAIN Publications/Agricultural Biotechnology Annual_Ottawa_Canada_11-20-](https://gain.fas.usda.gov/Recent%20GAIN%20Publications/Agricultural%20Biotechnology%20Annual_Ottawa_Canada_11-20-)



беради. Бу бюджет харажатларини оптималлаштиришга, ташкилотларнинг самарадорлигини оширишга ва белгиланган мақсад ҳамда вазифаларга эришишни таъминлашга ёрдам беради.

Бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этишнинг бир неча турлари мавжуд. (1-расм)


1. Ички назорат. Бу бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш учун ташкилотнинг ўзида ўрнатилган чора-тадбирлар тизимидир. Ички назорат қоидаларга риоя этилишини, ҳисоботларни тўлдиришнинг тўғрилиги ва ўз вақтида бажарилишини, шунингдек раҳбариятнинг буйруқ ва кўрсатмаларининг бажарилишини текширишни ўз ичига олади.

2. Ташқи назорат. У иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ҳисоб палатаси, вазирликлар, қўмиталар ва бошқалар каби давлат назорати органлари томонидан амалга оширилади. Улар ташкилот харажатлари белгиланган стандартлар ва қоидаларга мувофиқлигини текширадилар, шунингдек бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва самарадорлигини баҳолайдилар.

3. Ғазначилик назорати. Ғазначилик, бюджет харажатлари ва даромадларини ҳисобга олиш ва бажариш учун масъул ташкилот томонидан амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоби ва назорати тизими ёрдамида ғазначилик маблағлар оқимини назорат қилади ва тасдиқланган бюджет доирасида улардан мақсадли фойдаланишни таъминлайди.

4. Аудит. Аудиторлик ташкилоти мутахассислари томонидан ўтказиладиган ташкилотнинг молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларининг мустақил аудити. Аудитнинг мақсади бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботидаги хатолар ҳамда қоидабузарликларни аниқлаш, шунингдек келажакда уларнинг пайдо бўлишининг олдини олишдир.

5. Бошқарув назорати чоралари. Ташкилот раҳбарияти томонидан маблағларнинг сарфланишини назорат қилиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар тизими. мониторинг мунтазам ҳисоботлар, бюджет ижросини таҳлил қилиш, бюджет чегараларини белгилаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш шаклида амалга оширилиши мумкин.



1-расм. Бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этиш турлари⁹

1-расмда келтирилган бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этиш турлари биргаликда ташкилотда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлайди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишларга мувофиқ равишда, солиқ-бюджет сиёсатини амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгиланган:

- бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимояни ривожлантиришга;
- ҳудудлар, айниқса маҳаллаларнинг долзарб муаммоларни ҳал қилиш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни ва табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш;
- ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб қувватлашни кенгайтириш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятида соф рақобат муҳитини яратилишига замин яратиш, босқичма-босқич солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш;
- биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан жавобгарлиги, ҳисобдорлиги ва ваколатларини, давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида, илғор

⁹ Муаллиф ишланмаси



хорижий тажрибадан ҳамда халқаро молия институтлари экспертларининг тавсияларидан келиб чиққан ҳолда бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш устувор вазибалар сифатида белгилаб олинган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2024 йил учун республика бюджети даромадлари прогнози¹⁰ (млрд, сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари		212 643,0
1.	Бевосита солиқлар	55 697,7
1.1	Фойда солиғи	39 730,5
	<i>шундан «Навоий кон-металлургия комбинати» ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятлари бўйича</i>	18 276,3
1.2	Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи	15 967,2
2.	Билвосита солиқлар	106 364,1
2.1	Кўшилган қиймат солиғи	74 045,7
2.2	Акциз солиғи	17 478,8
2.3	Божхона божи	14 839,6
3.	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	16 290,3
3.1	Ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ	16 290,3
4.	Дивидендлар	23 755,0
	<i>шундан «Навоий кон-металлургия комбинати» ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятлари бўйича</i>	18 585,0
5.	Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар	10 535,9

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари 2024 йилда 212 643,0 млрд, сўмни ташкил этиши прогноз қилинган.

Шундан бевосита солиқлар 55 697,7 млрд. сўм, билвосита солиқлар эса 106 364,1 млрд. сўм, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи 16 290,3 млрд. сўм, дивидендлар 23 755,0 млрд. сўм, бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар 10 535,9 млрд. сўмни ташкил этиши прогноз қилинган. Шунингдек, «Навоий кон-металлургия комбинати» ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятлари бўйича 2024 йилда фойда солиғи 18 276,3 млрд. сўмни, дивидендлар 23 755,0 млрд. сўмни ташкил этиши прогноз қилинган.

Бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этишда бошқарув, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий ёки бошқа нотижорат функцияларни бажариш учун давлат ҳокимияти органлари иштирок этадилар. Бюджет ташкилотлари тегишли бюджетни даромадлар ва харажатлар сметаси асосида молиялаштиради. Қоида тариқасида, бюджет ташкилотлари ўз харажатларини қоплаш учун даромадга эга эмаслар.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-886-сонли Қонуни



Бюджет ташкилотлари бюджет маблағларидан фақат даромадлар ва харажатларнинг тасдиқланган бюджет сметаларига мувофиқ фойдаланадилар ва бюджет таснифига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобини юритадилар.

Умуман олганда, бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этишнинг мақсади бюджет ва автоном муассасаларнинг давлат, муниципал вазифаларини бажариш учун мўлжалланган бюджет маблағларининг қонунийлиги, самарадорлиги мақсадли ишлатилишини аниқлашдир.

Бюджет ташкилотларида маблағларнинг сарфланиши устидан назоратни ташкил этишнинг асосий моҳияти қонун ҳужжатларида ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган вазифаларга эришиш учун давлат маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этишни ривожлантиришда ҳар бир бюджет ташкилоти барча даромад ва харажатларни кузатиш ҳамда кузатишга имкон берадиган бюджет режалари ва бухгалтерия ҳужжатларини тузиши шарт. Шунингдек, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ташкилотлар ва бошқа манфаатдор шахслар давлат маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва бюджет ташкилотлари фаолиятини назорат қилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, бюджет ташкилотларида маблағларнинг сарфланиши устидан назоратнинг самарадорлиги молиявий бошқарув жараёнининг шаффофлиги ва очиқлигига, шунингдек бошқарув ходимларининг масъулияти ҳамда ваколатига боғлиқ.

Хулоса. Давлат бюджети ижроси жараёнида алоҳида бюджетлар билан ҳисоб-китоб муносабатлари вужудга келиши мумкин. Бундай ўзаро ҳисоб-китоблар вужудга келиши асосида ҳар бир бюджет ташкилотларининг бюджети даромадлар ва харажатлар баланси тарзида ташкил топиши ётади. Барча харажатлар режалаштирилган даромадлар билан қопланади. Шунинг учун, бюджет тасдиқлангандан сўнг, қўшимча харажатлар юкланса, уларни таъминлаш учун маблағ ҳам берилиши керак бўлади. Даромад берувчи манбалар камайганда уларни қоплаш учун маблағлар олиниши керак бўлади. Тасдиқланган бюджетда кўзда тутилмаган даромадларнинг манбалари пайдо бўлганда қўшимча ҳисобланган даромад суммаси юқори бюджетга берилиши керак бўлади.

Бюджет ташкилотларида пул маблағлари назоратини ташкил этиш объектининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш назорат тадбири бошланишидан олдин бошланади. Дастлабки иқтисодий таҳлил бизга керакли назорат усуллари ва текшириш усулларини олдиндан белгилаб, назорат режасини мақсадли равишда тузиш ва текширувлар ўтказиш имконини беради. Назорат тадбирида янада чуқурроқ иқтисодий таҳлил ўтказилади. Шу билан бирга, иқтисодий таҳлил маълумотлари бухгалтерия ҳисоби ва статистик маълумотларни таққослаш, текшириш объекти фаолиятини баҳолаш учун фактлар ва бошқа маълумотларни ўрганиш, дастлабки ҳужжатларни текшириш натижалари, бухгалтерия регистрлари ва бошқа иқтисодий маълумотларни ўрганишдан иборат бўлган жорий таҳлил томонидан қўллаб-қувватланади.



Бюджет тизимида пул маблағларини назорат қилиш борасида амалий ишлар давом этмоқда ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш орқали янада юқори сифатли молиявий ҳисоботларни тузишга, шунингдек, давлат сектори фаолияти натижаларини баҳолашга катта имконият яратади, ахборотларни шаффофлигини оширади, бюджетга молиявий ҳисоб ва статистик ҳисоботларни юқори даражада интеграциялашувини таъминлайди, ахборотларни ишончлилиги ва тўлиқлигини ошириш ҳисобига давлат активларини самарали бошқариш имконини беради.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни.
3. Shaturaev, J. N., & Jumaev, H. S. (2019). Small Business, Innovation and Entrepreneurship. *International Journal of Advanced Research*, 7(11), 303–307. <https://doi.org/10.21474/ijar01/10008>
4. R.Karlibaeva. (2021). THEORY OF FINANCE AND FINANCING STRATEGIES. *International Journal of Advanced Research*. <https://doi.org/10.21474/ijar01/12480>
5. Пивень Е.В., Бедрачук И.А. “Государственное и муниципальное управление”. Учеб. пособие/ Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2008. стр -58.
6. Маликов Т.С, Ҳайдаров Н.Х, Давлат бюджети. Ўқув кўлланма.-Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2007.84-бет.
7. Blumentritt T., Integrating strategic management and budgeting, *Journal of Business Strategy*, 27 (6) (2006), pp. 73– 79.
8. Horngren, C.T., Stratton, G.L., Sutton, W.O., Teall, H.D., “Management Accounting”, 4th ed. Prentice Hall, Toronto, 2004.
9. В.М. Гальперин, С.М. Игнатъев, В. И. М. (2007). “МИКРОЭКОНОМИКА.” Book, 426. https://gain.fas.usda.gov/Recent_GAIN_Publications/Agricultural_Biotechnology_Annual_Ottawa_Canada_11-20